

ЎЗБЕКИСТОН ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эргашев Илхомжон Ободович

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўймитаси хузуридаги

Фискал институти “Солиқлар ва солиққа тортиниши”

факултети декани и.ф.н

ТЕЛ: 998- 99- 926- 67- 35

Аннотация. Ушбу мақолада фискал сиёсат ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш муаммолари, солиқ ислоҳотларини амалиётта самарали жорий этиш, солиқлар тизимини соддалаштириш каби долзарб масалалари ва бу борада хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганишга ва улардан фойдаланишга хизмат қилувчи илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, фискал сиёсат, солиқ маъмурчилиги, солиқлар, солиққа тортиниши.

Аннотация. В данной статье разработаны проблемы совершенствования фискальной политики и налогового администрирования, эффективного проведения налоговых реформ, упрощения налоговой системы, а также научные предложения и рекомендации, служащие изучению и использованию передового опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: экономика, фискальная политика, налоговое администрирование, налоги, налогообложение.

Annotation. This article develops the problems of improving fiscal policy and tax administration, effectively implementing tax reforms, simplifying the tax system, as well as scientific proposals and recommendations that serve to study and use the best practices of foreign countries.

Keywords: economics, fiscal policy, tax administration, taxes, taxation.

Кириш

Фискал сиёсат бир қанча асосий мақсадларга эга бўлиб, уларни макроиктисодий ва микроиктисодий деб ажратиш мумкин. Макроиктисодий мақсадларга иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш, ишсизликнинг камайиши, инфляция назорати ва барқарор макроиктисодий муҳитни сақлаш киради. Микроиктисодий мақсадлар эса, бу иқтисодиётнинг айрим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, даромадларни тақсимлаш ва тенгсизликни камайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлашни айтиш мумкин.¹

Демак, иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири - бу фискал сиёсатдир. Фискал сиёсат - бу давлат органлари ва бошқа барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодиёт соҳаси бўлиб, давлат томонидан маълум иқтисодий мақсадларга

¹ Qurbanov Muxiddin Abdullaevich. (2023). xufiyona iktisodiyot sharoitida davlat moliyaviy nazorati va uni takomilashtirish yo'nalishlari. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 248–259. <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2882> dan olindi

эришиш учун солиқлар, бюджет ва давлат харажатлари соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуудир.²

Бундай ўзаро ҳамжиҳатликка давлат буюртмалари, солиққа тортиш ва трансферт тўловлари тизими орқали эришилади. Маълумки, ҳар қандай Ҳукумат ўзининг фискалъ сиёсатини олиб боради. Бундан кўзланган мақсадларга эришиш учун фискалъ сиёсатда бир нечта инструментлардан фойдаланилади, буларга Давлат харажатлари, солиқлар ва қарз олиш кабилар киради. Фискалъ сиёсатнинг самарадорлиги эса - мўлжалланган мақсадларни тўғри белгилаш, фискалъ сиёсат инструментларни тўғри танлаш, харажатлар ва солиқларнинг мутаносиблиги, шунингдек, сиёсий барқарорлик ва самарали бошқарув каби бир қанча омилларга боғлиқ. Бундан ташқари, солиқ-бюджет сиёсатининг тъсири бошқа иқтисодий омиллар, масалан, ташқи тъсиirlар, жаҳон хом ашё нархлари ёки халқаро молиявий шароитлар билан чекланиши мумкин.³

Асосий қисм

Давлат харажатларини амалга ошириш давлат бюджети маблағларидан фойдаланишни англатар экан, солиқлар эса бюджетни тўлдиришнинг асосий манбаи бўлганлиги сабабли, солиқ-бюджет сиёсати давлат бюджетини манипуляция қилишдан иборат. Макроиктисодиётни молиявий тартибга солиш борасида солиққа тортиш муҳим ўрин тутади. Шунинг учун давлат солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан бири - бу амалдаги солиқ қонунчилиги ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда ундириш амалиётини такомиллаштиришдан иборат.⁴

Фискалъ сиёсатни амалга ошириш борасидаги халқаро тажриба - давлат молиясини бошқаришга оид турлича ёндашувларни, шунингдек, бюджет барқарорлигига эришиш, бизнесга эркинлик ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва бу мақсадларда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун турли воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади. Федерал давлатлар мисолида фискалъ сиёсатни амалга оширилиши жараённада ҳам тўхталиб ўтамиз.⁵

Мисол тариқасида, Америка Кўшма Штатлари (АҚШ) солиқ тизими ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакат 50 та алоҳида штат, Колумбия округи ва мамлакат пойтахти Вашингтондан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ички сиёсатини олиб боради. Бундан ташқари, Америка Кўшма Штатлари Самоа,

² Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). TA'LIMDA TEXNALOGIYALARNI QO 'LLASH HAMDA XORIJU TILLARNI O 'RGATISH ORQALI MUTAXASSISLARNI MALAKALI KADR SIFATIDA CHIQARISH ISLOHATLARI. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(18), 62-64

³ Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). хуфиёна иқтисодиётга курашиш жараённада бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлигиҳуфиёна иқтисодиётга курашиш жараённада бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги. World Scientific Research Journal, 21(1), 153–165. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2873>

⁴ Qurbanov Muxiddin Abdullaevich. (2023). xufiyona iktisodiyotni kamaytirishda eksport-import operatsiyalarini takomillashtirish yo'llari. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 269–275. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2884> dan olindi

⁵ Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823

Пуэрто-Рико ва бошқалар каби баъзи қўшимча юрисдикцияларни ўз ичига олади. Аммо АҚШнинг умумий фискалъ тизими у ерда ишламайди.⁶

Кўшма Штатлар федерал давлат модели бўлганлиги сабабли, бюджет тўловлари бу ерда Зта даражада амалга оширилади: федерал даражада, штат даражасида ва муниципаль даражада. АҚШ фискал сиёсатининг асосий хусусияти давлат даражасида ҳар бир штат ўзининг солиқ тўловларини (яъни, мустақил солиқ сиёсатини) ўрнатиш имкониятига эга эканлигидир. Масалан, штатларда даромад солиги савдодан олинадиган солиқ билан алмаштирилган ва ҳоказо. Мажбурий ижтимоий бадаллар тўловлари ҳам ходимлар, ҳам иш берувчилар томонидан амалга оширилади. Бюджет тўловларини йиғиши Молия вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланган Ички даромадлар хизмати (IRS) томонидан амалга оширилади.⁷

АҚШда солиқ сиёсатининг хусусиятларида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда амалдаги солиқ сиёсатига мувофиқ қўйидаги солиқлар мажбурий ҳисобланади:

- юридик шахслар ва даромад солиғи;
- мажбурий ижтимоий ажратмалар;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
- ишсизликни бартараф этишга қаратилган солиқлар;
- меросхўрларнинг мол-мулкига солиқ;
- акциз солиғи;
- савдодан олинадиган солиқлар;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган солиқлар;
- божхона тўловлари;
- фойдали қазилмалар ва нефт маҳсулотларини қазиб олиш, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш учун белгиланган солиқлар.

Давлат солиқ тизимининг бундай тузилиши қўп босқичли солиқ йиғиши тамоилини акс эттиради. Кўшма Штатларнинг молиявий сиёсати англо-саксон ҳуқуқий тизими ва мамлакатнинг тарихий анъаналарига асосланган кўплаб хусусиятларни ўз ичига олади. АҚШ солиқ тизимининг ижтимоий моҳиятини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Чунки, бундай ёндашув бугунги кунда дунёдаги энг ривожланган иқтисодиётлардан бирини барпо этиш ва маҳаллий аҳолисини юқори турмуш даражасини таъминлаш имконини берди⁸.

Ўзбекистонда халқаро тажрибани амалда қўллашдаги айрим муаммолардан бири бу худудларда маҳаллий солиқ ва йиғимларни жорий этиш каби ваколатлар мавжуд эмаслиги, уларнинг мазкур тушумларни йиғишидан манфаатдорлиги паст даракта эканлиги, бюджет жараёнидаги шаффофлик ва кенг жамоатчилик иштирокининг етарли эмаслигидир. Демак, хulosса қилиб айтадиган бўлсак, фискалъ сиёсатни юритишда АҚШ ва бошқа ривожланган давлатлар илғор

⁶ Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). TA'LIMDA TEXNALOGIYALARINI QO 'LLASH HAMDA XORIJU TILLARNI O 'RGATISH ORQALI MUTAXASSISLARINI MALAKALI KADR SIFATIDA CHIQARISH ISLOHATLARI. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(18), 62-64

⁷ Qurbonov Muxiddin Abdullaevich. (2023). xufiyona iktisodiyotda eksport-importni soliqqa tortish tartibi. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 176–181. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2875> dan olindi

⁸ <https://atton-consulting.com/ru/fiskalnaya-politika-strany-mezhdunarodnyy-opyt>

тажрибасини шак-шубҳасиз мамлакатимизга, шу жумладан унинг худудлари иқтисодиётини ривожлантириш учун тадбиқ этилиши лозим.⁹

Мамлакатимизда бюджет харажатларини ошиб бориши ёки камайиб кетиши ташқи савдо ҳажмига ялпи талабнинг ўсиши ёки қисқариши орқали ҳам таъсир қиласди. Хусусан, давлат бюджет харажатларининг (трансферлар билан биргаликда) ошиши ялпи талабни рағбатлантириши муқаррар. Ялпи талабни ўсиши эса, ўз навбатида, республикамизга импорт қилиндиган товарларга бўлган талаб ҳажмидаам ўсишга олиб келади. Мамлакатимизда охирги йилларда бюджет харажатлари мунтазам ошиб бораётгани кузатилди. Агар, ЯИМ даромад сифатида қарайдиган бўлсак, уни таркибидаги давлат харажатларининг ҳиссаси йилма-йил ортиб бормоқда экани бу фактдир. Рақамларга қарайдиган бўлсак, консолидациялашган бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши 2016 йилда 23,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, бугунги кунга келиб ушбу қўрсаткич 35 фоизга етганлигини кўриш мумкин¹⁰. Таъкидлаш жоизки, бу даврда бюджет дефицити ҳам муттасил ўсиб борган.

Яна бир масала, мамлакатимизда давлат маблағларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, шунингдек вилоятлар, шаҳар ва туман худудларида сарфланиши тўғрисида маълумотларнинг етарли эмаслиги фуқаролар ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан ваколати доирасида назорат қилишни маълум даражада қийинлаштирумокда. Бундан ташқари, бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича аксарият холларда давлат ва аҳоли ўртасида қайта алоқа механизми мавжуд эмаслигидир.¹¹

Давлатимиз томонидан солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, ёшларни иш билан таъминлашдан корхона ва ташкилотларни солиқ воситасида рағбатлантириш борасида берилган енгилликларни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Биргина мисол, ижтимоий солиқ ставкалари оптималлаштирилиб 25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиши, айрим ижтимоий аҳамиятга эга корхоналарга пасайтирилган 7 ва 4,7 фоизли ссолиқ ставкаларини белгиланиши ва солиқ тўловлари механизмини такомиллаштириш борасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга олган корхоналарга улар 6 ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан тўланган ижтимоий солиқни еттинчи ойдан бошлаб қоплаб бериш амалиёти жорий этилган эди¹². Иш берувчи корхоналарга ижтимоий солиқ суммаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган трансферлар ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Бундан 9 мингдан зиёд корхона фойдаланди, уларга 150 миллиард сўмлик ижтимоий солиқ

⁹ Qurbanov Muxiddin Abdullaevich. (2023). davlat xaridlari jarayonlarini tashkil etishi va boshqarishda axborot kommunikatsiya texnologiyalarni takomillashtirish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali, 16(1), 170–177. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715> dan olindi

¹⁰ <https://www.imf.org/en/News/Articles/2022/11/15/pr22385-imf-staff-concludes-visit-to-uzbekistan>

¹¹ Pardaev Fayzulla Gaffarovich, & Muxiddin Abdullaevich Qurbanov. (2023). istiqbolda qo'shilgan qiymat solig'i xisobini yuritishda avtomatlashtirilgan dashboardlardan samarali foydalanish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 189–196. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2877> dan olindi

¹² Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). KICHIK BIZNESGA QANDAY YENGILLIKLAR BERILADI, KIMLAR 20 MLN YOKI 30 MLN TO 'LASA SOLIQ HISOBOTINI YURITISHI SHART EMAS, 2023 YILGI SOLIQ O 'ZGARISHLARI. IJODKOR O'QITUVCHI, 3(32), 30-32.

қайтарилиди, 100 минг ёшлар бандлиги таъминланди.¹³ Шу боис ушбу тажриба Президент фармони билан 2025 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди, лекин ижтимоий солиқни қайтаришни 2023 йил 1 майдан қўллаш белгиланди¹⁴. Бу ерда 2023 йилнинг январь - апрель ойлари учун фармонга мувофиқ 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун ижтимоий солиқ қайтариладиган меъёр мавжуд эмас. Лекин бу давр мобайнида my.soliq.uz ва my3.soliq.uz сайтларида интерактив хизмат ишлаши натижасида ижтимоий солиқни қайтариш учун берилган аризалар қаноатлантирилган. Ҳукумат фискалъ сиёсатни амалга оширишда ижтимоий йўналишдаги муаммоларни ҳал этишда солиқни рағбатлантирувчи функцияларидан фойдаланиши маълум даражада самара бериши мумкинлигидан далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Солиқ-бюджет сиёсатининг самарадорлиги турли омилларга боғлиқ эканидан келиб чиқиб, Ҳукумат томонидан пухта таҳлил ва бошқарув тизими амалга оширилиши лозим;
2. Давлатнинг ижтимоий йўналишдаги муаммолар ечимида солиқни рағбатлантирувчи функцияларидан фойдаланиш қамровини янада ошириш лозим;
3. Ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш мақсадида айрим маҳаллий солиқ ва йиғимларни мустақил жорий этиш каби ваколатлар бериш масаласини кўриб чиқиш (АҚШ штатлари тажрибаси).
4. Солиқ тизимини ривожланган давлатлардаги тизимлар моделларига яқинлаштириш орқали модернизация қилиш.
5. Бюджетда улуши кичик бўлган ва ҳажми эса уни ундириш харажатларидан унча фарқ қилмайдиган солиқларни бекор қилиш (бу жамиятга солиқ солиши босимини бирмунча камайтиради).

Адабиётлар:

1. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Ta'lilda texnologiyalarni qo'llash hamda xorijiy tillarni o'rgatish orqali mutaxassislarni malakali kadr sifatida chiqarish islohatlari. Scientific approach to the modern education system, 2(18), 62-64.
2. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Kichik biznesga qanday yengilliklar beriladi, kimlar 20 mln yoki 30 mln to'lasa soliq hisobotini yuritishi shart emas, 2023 yilgi soliq o'zgarishlari. ijodkor o'qituvchi, 3(32), 30-32.
3. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Кўшилган қиймат солигини қўллашнинг ҳалқаро амалиётдаги моделлари. World Scientific Research Journal, 23(2), 295–302. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3043>
4. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Хуфиёна иқтисодиёт шароитида фискал сиёсати ва унинг назарий асослари. World Scientific Research Journal, 23(2), 303–313. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3044>
5. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Божхона тўловларини ундиришда молиявий технологияларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш. World Scientific Research

¹³ Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). KICHIK BIZNESGA QANDAY YENGILLIKLAR BERILADI, KIMLAR 20 MLN YOKI 30 MLN TO 'LASA SOLIQ HISOBOTINI YURITISHI SHART EMAS, 2023 YILGI SOLIQ O 'ZGARISHLARI. IJODKOR O'QITUVCHI, 3(32), 30-32.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2023 йилдаги ПФ-61-сон Фармони

- Journal, 23(2), 314–324. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3045>
6. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini takomillashtirish va normativ-huquqiy asoslari. World Scientific Research Journal, 23(2), 344–351. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3048>
7. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Fiskal siyosat bo'yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi va uni qo'llash muammolari. World Scientific Research Journal, 23(2), 352–361. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3049>
8. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
9. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.
10. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
11. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиши ҳажми таҳлилини тақомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728.
12. Dusiyarov, S. K. (2021). Issues Of Supporting Activities Of Business Entities Through Improving Tax Administration In Uzbekistan. *Academicia Globe*, 2(11), 51-59.
13. Dusiyarov, S. X. (2023). Stages of entrepreneurship development in uzbekistan and its role in the national economy. *Modern Science and Research*, 2(6), 16-25.
14. Дусияров Ш. (2021). Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири таҳлили, Iqtisodiyot va ta'lif, 2021, 6, 105-109. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/289>.
15. Дусияров, Ш., Чоршанбаев, У., & Муратжанова, Л. (2024). Саноатни модернизациялашда самарали солиқ механизмларидан фойдаланиш йўллари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(2), 367-376.
16. Fayziev, F. (2021). Маҳаллий бюджет даромадларини оширишда мулкий солиқларнинг аҳамияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/305>
17. Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич. (2024). Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилиш: ривожланиш истиқболлари ва солиқ тизимидағи ўрни. World Scientific Research Journal, 23(2), 387–402. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3052>
18. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
19. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
20. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
21. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamnaviy tendensiyalari va istiqbollari. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
22. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>

23. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/3042>
24. Қиличев Ботир Пардаевич. (2024). COVID-19 пандемиясидан кейин туризмни ривожлантириш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 39(2), 130–134. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/01/article/view/11578/11219>
25. Abdullaevich, K. M. (2020). Issues to enhance financial literacy on extrabudgetary targeted funds. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(8), 129-135.
26. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Яширин иқтисодиётга қарши курашишда фискалъ сиёсат, хорижий тажриба, муаммо ва ечимлар. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 257–265. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/3039>
27. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2024). Солик маъмурчилигига молиявий технологиялар – хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш омили сифатида. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 266–276. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/3040>
28. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79.
29. Abdullakhojaevich, F. F. (2020). Peculiarities of assessing real estate by market value for the taxation purpose. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(7), 92-100.
30. Файзиев, Ф. (2020). Солик солиш мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари. *Экономика и инновационные технологии*, (1 (2)), 218-227.
31. Хамирова Сулув Янгибоевна. (2023). Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувларини ўtkазиш услубиётини ва ички аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштириш асослари. "XXI ASRDA INNOVATION TECHNOLOGIYALAR, FAN VA TA'LIM TARAQQIYOTIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR" nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 1(8), 8–22.
32. Хамирова С.Я. (2023). Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш ва параллел усувларда тузишнинг ташқилий жиҳатлари. "Conference on Universal Science Research 2023", 1(8), 18–23.
33. Yuldashev, J. A. (2023). Marketing Principles of Formation of Reserve Funds in the Practice of Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 3(5), 1–6. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1650>
34. Юлдашев, Ж. А. (2023). Изучение современного состояния банковских поступлений, формы развития внутрибанковских и межбанковских расчетов. *World scientific research journal*, 12(2), 186-196.
35. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.
36. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 2(10), 25–32. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>
37. Самадова, Н. Р. (2024). КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОХИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ COMPLEX ANALYSIS OF THE ECONOMIC COMPETENCE OF THE ENTERPRISE. *World scientific research journal*, 23(2), 174-181.
38. Samadova Nargiza Rasulovna. (2023). Ways to Analyze Financial Potential Based on the Balance Sheet. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 4(12), 65-67. Retrieved from <https://cajitmf.centralasianstudies.org/index.php/CAJITMF/article/view/661>
39. Маматқұлов, А. Х. (2023). Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усувларини такомиллаштириш. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 142-145.

40. Маматкулов, А. (2017). Совершенствование учета затрат в производственном учете на хлопкоперерабатывающем предприятии. Экономика и инновационные технологии, (3), 111–117. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9264
41. Rozmatovna, Y. U. (2022). Improvement of Intangible Assets Accounting and Auditing. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 102-104.
42. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI TARTIBLASHDA BOZOR MEXANIZMI . *Journal of New Century Innovations*, 30(3), 12–13. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/7342>
43. Nurmanov, U. A. (2022). Budgeting in the management of current assets. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 2(1.1 Economical sciences).
44. У.А. Нурманов. (2024). Жорий активларни бошқаришда тизимли ёндашишни такомиллаштиришнинг мухимлиги. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 277–286. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3041>
45. Yuldasheva, U. A. (2022). THE IMPACT OF THE TAX BURDEN ON THE FINANCIAL ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES. *ILMIYTADQIQOT VA INNOVATSIYA*, 1(1), 55-63.
46. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2024). WAYS TO OPTIMIZE THE TAX BURDEN ON ORGANIZATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 20, 248–253. Retrieved from <https://www.americanjournal.org/index.php/ajbmeb/article/view/1782>
47. Yuldasheva, U. (2022). IQTISODIYOTNING XALQARO INTEGRATSIYASIDA INVESTITSIYALARING O'RNI VA AXAMIYATI. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(4), 336–345. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/iclt/article/view/2742>
48. Юлдашева, Д. А. (2024). ИНФОРМАЦИОННАЯ ОСНОВА ОЦЕНКИ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. *World scientific research journal*, 23(2), 57-66.
49. Yuldasheva D.A. (2023). INFORMATION AND ANALYTICAL BUSINESS ENVIRONMENT AND ITS INTERACTION WITH ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 4(1), 9-12. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/3106>
50. Сагдиллаева, З. А. (2024). ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. *World scientific research journal*, 23(2), 191-198.
51. Сагдиллаева, З. А. (2024). СОДЕРЖАНИЕ И ПОРЯДОК ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁТНОСТИ, СФОРМИРОВАННЫЙ НА ОСНОВЕ МСФО. *World scientific research journal*, 23(2), 437-442.
52. Sardor Umarovich Kholdorov (2022). Investitsion loyihalarini moliyalashtirishda xavflarni baholash va boshqaruv masalalari. "The processes of digital transformation in the economy, finance and management in the context of a pandemic", 6, 916-927 pp.
53. Сардор Умарович Холдоров (2022). Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион фаолиятини молиялаштириш истиқболлари. "Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: мақсад, тамойиллар ва ривожланиши истиқболлари", 3, 326-329 б.
54. Абдуллаев Аброр Бозарбоевич. (2023). Корхона солиқ мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлашда солиқ аудитининг роли. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 134–142. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2871>
55. Абдуллаев, А. Б. (2019). Совершенствование учета и анализа налогов improvement of accounting and analysis of taxes. ББК 65.052 Б 94, 10.
56. Абдуллаев Аброр Бозарбоевич. (2023). Солиқ таваккалчилигини бошқаришда солиқ аудитининг роли ва вазифалари. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 166–175. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2874>
57. Abdullayev, A. B., & Ochilov, O. I. (2021). A new approach to the methodology of tax analysis. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 11(9), 19-25.

58. Якубов Улугбек Касимович. (2024). Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-иктисодий ҳолатини таҳлилида ташки иктисодий фаолият қўрсаткичларидан фойдаланиш масалалари. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 428–436. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3055>
59. U.Yakubov, Q.Altiyev, Sh.Maxmudova. (2022). Biznes tahlilda raqamli texnologiyalar. (Darslik). –T.: “Nihol print”, 236 b.
60. САГДИЛАЕВА, З. А., & ЧОРИЕВ, И. Х. (2016). Проблемы аудита оплаты труда. In *СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ И РЕГУЛИРОВАНИЯ: ПОИСК ОПТИМАЛЬНЫХ РЕШЕНИЙ* (pp. 113-119).
61. Choriev, I., & Mamatqulov, A. (2018). THE EFFECT OF DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ON SEGMENTAL SEPARATION OF POPULATION. *International Finance and Accounting*, 2018(5), 12.
62. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). РАСЧЕТ РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА (ROE) В УЗБЕКИСТАНЕ . *World Scientific Research Journal*, 23(2), 182–190. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3031>
63. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ КОЭФФИЦЕНТЛАР ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ . *World Scientific Research Journal*, 23(2), 149–162. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3028>